



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ВА БИЗНЕС ЎРТАСИДА ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Утемуратова Гулнарахан Хожаниязовна

Қорқалпоқ давлат университети доценти, Ўзбекистон.

gulnara.udemuratova.nukus@mail.ru

Article DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a30

Аннотация

Ушбу мақолада ривожланган давлатлар иқтисодиётида инфратузилма-нинг янги шакллари яратиш ва тартибга солишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг аҳамияти, жаҳонда давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, унинг шакллари ва усуллари, давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари, хорижий давлатларнинг инфратузилмага қилинадиган инвестициялари динамикаси, давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларидан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичлари, жаҳон хўжалигида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларининг кўлами ва шакллари кенгайишига таъсир этувчи омиллар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, ривожланган давлатлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусий сектор, давлат-хусусий шериклиги, лойиҳа, модел, инфратузилма, инвестиция.

Кириш (Introduction)

Иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида умумдавлат аҳамиятига эга инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш мақсадида ушбу ҳамкорлик доирасида юқори даражада самарага эришиш учун давлат органлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида куч ва манфаатларни бирлаштириш муҳим иқтисодий натижаларга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилинишигача бўлган даврда ижтимоий аҳамиятга эга инвестицион дастурларнинг бажарилиши давлат томонидан молиялаштирилган. Бунда хусусий секторни иштироки учун меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд бўлмаган. Ҳақиқатдан ҳам, хусусий сектор субъектлари ҳали ҳам ўз маблағларини инвестициялашда жиддий тўсиқ ва рискларга тўқнаш келмоқда.

Бироқ кейинги йилларда анъанавий йўсинда хусусий сектор лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштиришга йўналтирилган турли хил моделлари пайдо бўлди. Бундай шаклларнинг вужудга келиши давлат ва хусусий сектор ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қонунчилик асосларини яратишни назарда тутди. Давлат ДХШ дастурларини самарали реализация қилиш учун қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида, давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус институларни яратиш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди.

ДХШ давлат секторига хизматлар кўрсатиш, объектларни эксплуатация қилиш, режалаштириш, бажариш ва молиялаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Унинг муҳим хусусияти бўлиб, хизматларни таъминлаш ва тақдим қилишнинг узоқ муддатлиги ҳамда рискларни хусусий секторга ўтказиш ҳисобланади.

Қорақалпағистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши инвестициялар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш ҳамда ушбу жараёнда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) механизмини жорий этишни назарда тутди. Соҳада инвестицион сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқариш секторигаги корхоналарга ажратилган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, асосий чоралар инвестицион механизмларнинг институционал асосларини ривожлантириш, бюджет ресурслари ҳамда жалб қилинган молиявий маблағлардан юқори даражада самарали фойдаланиш бўйича замонавий молиялаштириш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш керак.

Шунга кўра, ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли мамлакатларида амалда бўлган ДХШ механизмини самарали жорий этиш моделлари, шакллари, усулари ва йўналишларини тадқиқ этиш асосида республикада инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ДХШ механизмидан фойдаланишнинг самарали усуллари ва воситаларини жорий этиш инвестицион сиёсат самарадорлигига эришиш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Илмий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, жаҳонда давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари жаҳон хўжалигида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларининг кўлами ва шакллари кенгайишига таъсир этувчи омиллар илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хорижлик иқтисодчи олим Дж.К.Гелбрейт [4, 200-250 б.] ўз асарида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари, инвестицион маблағларнинг шаклланиши, давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари каби йўналишларни тадқиқ қилган.

Ж.Пьер, Ж.Г.Петерс [19, 89-108 б.] асарида хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Россиялик олимлар В.Г.Варнавский, А.В.Клименко, В.А.Королев [1, 45-85 б.] лар асарида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун

молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулки объектлари билан боғлиқ йўналишлари ўрганилган.

В.А.Кабашкиннинг [6, 15-18 б.] диссертация авторефератида «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий мазмуни, унинг мақсад ва вазифалари, давлат-хусусий шериклиги моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

Е.Д.Фролова [15, 31-32 б.] мақоласида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари, унинг афзалликлари ёритиб берилган.

Иқтисодчи олимлар С.Э.Элмирзаев, Н.Ш.Шавкатов [19] ларнинг илмий мақоласида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари, давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва омиллари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Тадқиқот жараёнида иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги механизмини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг хориж тажрибасини тадқиқ этиш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик, тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Ҳозирги кунда ДХШ лойиҳаларни реализация қилишда ўз капиталидан фойдаланувчи хусусий сектор билан шартнома тузиш учун давлат сектори томонидан қўлланиладиган инновацион усулларни жорий этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш сифатини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Жаҳон амалиётида аҳамиятли даражада молиявий механизмлар мавжуд бўлиб, улар асосида ДХШ амалга оширилади. Ушбу механизмлардан энг асослари қуйидагилардан иборат: 1) турли хил даражалардаги бюджет ресурслари; 2) давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари маблағлари; 3) хусусий сектори маблағлари; 4) жамоат ва нотижорат тузулмалар маблағлари; 5) молиявий ташкилотлар ва кредит муассасаларининг кредит ресурслари; 6) қўшма корхоналар томонидан қилинадиган қимматли қоғозлар эмиссияси; 7) хорижий мамлакатлар ва хусусий инвесторларнинг маблағлари; 8) жисмоний шахслар ихтиёридаги маблағлар ва ҳ.к.

Шунингдек, ривожланган мамлакатларда ДХШдан фойдаланиш соҳаси уларнинг қонунчилик базасига боғлиқ ҳолда хилма-хилдир: транспорт, инфратузилмаси, сув таъминоти, дренаж, янги технологиялар, қурилиш ва ҳ.к.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш учун турли хил моделлар, шакллар, турлар ва ўзига хос имкониятлар мавжуддир. Давлат-хусусий

шериклиги асосидаги лойиҳаларни самарадорлигини аниқлашда, энг аввало, унинг шартнома шакли муҳим аҳамиятга эга [19] (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари [19]

| № | ДХШ шакллари | Мазмуни |
|----|--|--|
| 1. | Давлат-хусусий шериклик шартномаси | Давлат (маҳаллий бошқарув) ва хусусий сектор ўртасида муайян ижтимоий аҳамиятга эга ва фойдали фаолиятни амалга ошириш учун тузиладиган маъмурий-хўжалик келишуви. ДХШ амалиётида энг кенг тарқалган ишлар – давлат хизматларини кўрсатиш, бошқарув учун, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш учун ишларни бажариш учун шартнома тузилиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда мулкий ҳуқуқлар хусусий шерикларга ўтказилмайди, харажатлар ва молиявий йўқотишлар давлат томонидан қопланиши мумкин |
| 2. | Ижара (ижара шартномалари) ва лизинг шаклида | Шартнома билан белгиланган шартлар асосида, давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг инфратузилма объектларини вақтинчалик фойдаланиш учун ва маълум бир ҳақ эвазига хусусий шерикка ўтказилади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи ҳар доим давлат ёки маҳаллий ҳокимият мулкни сотиб олиш ҳуқуқига эга. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият ва хусусий шерик ўртасидаги ижара муносабатларининг сақлаб қолиниши мулкни вақтинчалик ишлатиш ва муайян ҳақ эвазига ўтказиш ҳисобланади |
| 3. | Концессия шартномаси | Давлат-хусусий шериклик шартномасининг махсус шаклларида бири бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ёки хусусий сектор (концессионер) концессия объектини ишлаб чиқадиган ва унинг фаолиятдан (даромад олишдан) тушадиган ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни (концессия объектини) амалга оширишга қаратилган давлат-хусусий ҳамкорлик шаклидир, бунда давлат сектори (грантор) концессия объектига эгалик қилади ва назоратни сақлаб қолади. |
| 4. | Маҳсулот тақсимога оид битимлар | Давлат хусусий инвесторга ер қаъридаги минерал хом ашёларни излаш, қидириб топиш ва қазиб олиш ҳамда муайян муддатда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иш учун муайян ҳуқуқларни берадиган шартнома ва хусусий сектор ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириб, ўзи рискларни ва хавф-хатарларни ўз зиммасига олади. |

Бизнингча, жаҳонда мавжуд ДХШ моделлари қўйидагилардан иборат:

1. Оператор модели (чиқиндиларни қайта ишлашда кенг кўламда оммалашди, давлатнинг назорат функцияларини сақлаб қолган ҳолда давлат ва хусусий шерик ўртасида масъулиятни аниқ тақсимланиши орқали ифодаланади).

2. Кооперация модели (маълум бир хизматлар амортизация ажратмалари ва солиққа тортиш объектлари томонидан аниқ белгиланмаган ҳолатларда қўлланилади).

3. Концессия модели (лойиҳани реализация қилиш муддати узоқ бўлган соҳа ва тармоқларда, шунингдек, мулкий ҳуқуқни давлатдан хусусий шерикка ўтказиш сиёсий ёки ҳуқуқий сабабларга кўра рад қилинган ҳолларда қўлланилади).

4. Шартномавий модел (биринчи навбатда жорий харажатларни пасайтиришга йўналтирилган инвестицияларда фойдаланилади).

5. Лизинг модели (жамоат (ижтимоий) биноларини қуриш учун энг мувофиқ келади. Жаҳон амалиётида маҳаллий ҳокимият органлари ва хусусий бизнес ўртасида ҳамкорликнинг лизинг шакллари бўйича жуда катта тажриба тўпланган).

Хорижий давлатларда ДХШни қўллаш соҳалари ва йўналишлари иқтисодиётнинг турли хил тармоқларида реализация қилиниши мумкин:

- транспорт – турли йўналишдаги транспорт тармоқларини (хусусан, шаҳар транспорти) ўз ичига қамраб олиб, йўл ҳаракатини бошқариш тизимини қуриш, хизмат кўрсатиш, жорий этиш каби лойиҳалар;

- уй-жой ва коммунал хўжаликлари – аҳолига хизматлар кўрсатиш; коммунал хўжаликлар тармоқларини эксплуатация қилиш;

- кўчаларни тозалаш, ахлат ва чиқит ташиб кетиш ҳамда утилизация қилиш;

- экология соҳаси – табиий ресурслардан фойдаланиш ва экотуризмни ривожлантириш асосида даромадга эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритиш орқали ҳудудларда боғлар яратиш, уларга хизмат кўрсатиш ва кенгайтириш;

- кўчмас мулк соҳасида – тижорат лойиҳаларида қатнашиш ва бинолар қуриш, ижтимоий бинолар ва муниципал уй жойлар қуриш ҳамда уларни ишга тушуриш;

- жамоат (ижтимоий) тартиби ва хавфсизлиги соҳасида – хусусий корхоналар хизмат, транспорт ва жамоат жойларида тартибни сақлаш; тўхташ жойларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш;

- телекоммуникация соҳасида – инфратузилмани шакллантириш ва истеъмолчиларга хизматларни тақдим қилиш;

- молия-кредит соҳасида – мажбурий ижтимоий суғурта ва давлат пенсия таъминоти соҳасига бошқарув компанияларини жалб қилиш;

- таълим соҳасида – биголар қуриш ва туташ бўлган ҳудудларни ривожлантириш ҳуқуқига эга хусусий компаниялар ва фирмалар томонидан мактаб ва бошқа таълим муассасалари қуриш ва уларни жиҳозлаш.

Жаҳонда аҳоли турмуш фаровонлигини аниқловчи инфратузилма объектларини бунёд қилиш, уларни сақлаб туришга қилинадиган харажатларга ҳар йили катта миқдордаги маблағлар сарфланади. Бундай сарф-харажатлар муқаррар ҳисобланади. Таҳлилий статистик маълумотлар ва истиқбол кўрсаткичларига назар ташласак, жаҳондаги мамлакатлар айнан шау соҳага катта эътибор бериб келмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Жаҳондаги мамлакатларнинг инфратузилмага қилинадиган инвестициялари динамикаси, трлн. долларда [10]

| Минтақалар | 2018 | 2025 | 2030 | 2035 | 2040 |
|----------------------------|------|------|------|------|------|
| Дунё бўйича | 2,6 | 2,9 | 3,2 | 3,5 | 3,7 |
| <i>Шундан:</i> | | | | | |
| Осиё | 1,5 | 1,7 | 1,9 | 2,1 | 2,3 |
| Шимолий ва Жанубий Америка | 0,5 | 0,5 | 0,6 | 0,6 | 0,6 |
| Европа | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,6 | 0,6 |
| Африка | 0,1 | 0,2 | 0,2 | 0,2 | 0,2 |

Маълумки, жаҳонда, хусусан, ривожланган мамлакатларда инфратузилмага инвестициялар хусусий сектор ҳамкорлигида амалга оширилади. Хусусан, Дунёда

2018 йилда инфратузилма объектларига инвестициялар 2,6 триллион долларни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичнинг истиқбол параметраларига назар солсак, 2040 йилга бориб 42,0 %га ошиши ва 3,7 триллион долларга етиши кутилмоқда (2-жадвал).

Давлат-хусусий шериклиги – жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга ва ривожланиши суи бўлган тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлат ёки маҳаллий ҳокимияти ва хусусий сектор ўртасидаги қонуний ва институционал муносабатлар тизимидир. Ушбу тизимнинг асослари тенг ҳуқуқлилиқ, оқилона ҳамкорлик, рискларни ва даромадларни адолатли тақсимлаш, давлат ва хусусий секторнинг саъй-ҳаракатлари бирлашувига асосланган бўлади [19].

Жаҳондаги давлатлар инфратузилмасининг асосий тармоқларида 2,6 трлн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ажратилган бўлса, улардан 49,6 %и (1292,8 млрд. АҚШ доллари) бевосита транспорт тармоғига йўналтирилган. Шу билан бирга, энергетика, ахборот-коммуникациялари тармоқлари ва сув таъминоти тизимига мувофиқ ҳолда 32,6 %, 10,5 % ва 7,2 %ини ёки 1312,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инфратузилма бозорларини ўрганувчи The Global Infrastructure Hub ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2030 йилда инфратузилма объектларига инвестициялар ҳажми 2018 йилга нисбатан 26,0 %га ёки 3,3 трлн. АҚШ доллари ҳажмида малағлар йўналтирилиши айтилган. Бу кўрсаткич 2040 йилда 3,813 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Инфраструктуранинг асосий тармоқларига глобал инвестициялар ҳажми, млрд. долларда [10]

| Инфраструктура тармоқлари | 2018 й. | Жамига нисбатан %да | 2030 й. | 2040 й. |
|-------------------------------|---------------|---------------------|---------------|---------------|
| Транспорт соҳасига | 1292,8 | 49,6 | 1664,2 | 1943,7 |
| Энергетика | 850,3 | 32,6 | 1060,5 | 1232,8 |
| Ахборот-коммуникация соҳасига | 273,6 | 10,5 | 319,1 | 359,2 |
| Сув ва сув таъминоти | 188,8 | 7,2 | 236,4 | 277,1 |
| Жами: | 2605,5 | 100 | 3280,2 | 3812,8 |

Юқори сифатли инфратузилма учун инвестициялаш мамлакатда йирик иқтисодий ўсишга иш ўринларини яратиш ва солиққа тортиладиган даромадларнинг кўпайтирилишга ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнлар илгари эътироф этилмади, аммо Осиё тараққиёт банки тадқиқот институти (ADB) каби ташкилотлар сифат инфратузилмаси яратиш орқали эришиладиган ижобий натижаларни аниқлаш учун тадқиқот иши олиб бордилар. Ўзбекистонда Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг очилиш лойиҳаси натижасида ҳудуд учун ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2 фоизга, саноатда 5 фоиз, хизматлар соҳасида 7 фоиз кўрсаткични ташкил қилди [20].

Буюк Британия биринчилардан бўлиб, ДХШ механизмидан фойдаланишга эришди: XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб, ҳукумат ва бизнес ўртасидаги яқин ҳамкорликни рағбатлантиришга қаратилган биринчи комплекс дастур бўлган

«Хусусий молиявий ташаббус» - (The Private Finance Initiative, PFI) дастури ишга туширилди [20].

«Хусусий молиявий ташаббус»нинг моҳияти қўйидагиларда намоён бўлади: хусусий сектор давлат хизматларини тақдим қилиш ва кўрсатиш ишларини молиялаштиради, оқилона ва адолатлилик нуқтаи назаридан, бу хизматлар ва ишлар истеъмолчилар томонидан эмас, балки давлат томонидан тўланади. Ушбу хизматлар ва иншоотлар жамоат жойлари, шифохоналар, мактаблар ва магистрал йўлларни ёритишни ўз ичига олиши мумкин. Шу сабабли, «Хусусий молиявий ташаббус» «яширин коцессия» деб ҳам аталади, чунки харажатлар якуний фойдаланувчилар томонидан фақат билвосита: давлат аппарати орқали тўланади [21].

4-жадвалдаги таҳлилий маълумотларининг миқдорий жиҳатдан таққосланишига назар ташлсак, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлашга йўналтирилган лойиҳалар сони бошқа тармоқларга нисбатан устунлик қилади. Шунингдек, Буюк Британия ва Германияда таълимга қаратилган лойиҳалар сони ҳам юқори кўрсаткичга эга.

Шундай экан, таҳлил натижаларига кўра, қайд этиш зарурки, умумий ҳолатда ДХШ предмети сифатида аниқ лойиҳаларни бажариш бўйича давлат ва хусусий сектор ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабат қаралади.

4-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ДХШ лойиҳаларидан фойдаланиш бўйича асосий кўрсаткичлар¹

| Давлатлар | Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш | | | | | | | | | | |
|---------------|--|-----------------|------------|-----------------------|-------------|-------------|--------------|----------|--------------------------|----------------|------------|
| | Автойўллар | Соғлиқни сақлаш | Таълим | Кўприклар ва тунеллар | Аэропортлар | Енгил метро | Темир йўллар | УЖКХ | Чиқиндиларни қайта ишлаш | Ижтимоий уйлар | Жами |
| АҚШ | 32 | | | 2 | | 1 | | | | | 34 |
| Буюк Британия | 12 | 123 | 113 | | | 9 | 3 | | 19 | 22 | 301 |
| Германия | 10 | 3 | 24 | | | | 1 | 1 | | | 39 |
| Италия | 23 | 32 | | 5 | | 12 | 1 | | 4 | | 77 |
| Канада | 10 | 14 | 1 | 3 | | 1 | 1 | | | | 30 |
| Франция | 5 | 12 | | 3 | | 2 | 1 | | | | 23 |
| Япония | | | | | | | | 1 | | | 1 |
| Жами | 92 | 184 | 138 | 13 | 0 | 25 | 7 | 2 | 23 | 22 | 505 |

Буюк Британияда ДХШ тизимининг аҳамияти тегишли шартномаларни тузиш масалаларида давлат ёки волатли органларнинг фаолиятни чеклаш юзасидан мувофиқ қонунчилик амалда мавжуд эмас. Муниципалитетлар учун 1997 йилда «Маҳаллий ҳокимият органлари учун шартномалар тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, уларга ДХШ лойиҳаларини тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқини беради. Айнан шунинг учун давлат институтлари ва хусусий компаниялар Буюк

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Британия ДХШ тизими ва бошқа ихтисослашган институтларга жавоб берадиган молия вазирлигининг ваколатли бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалардан фойдаланадилар [11].

Ҳозирги вақтда PFI дастури доирасида давлат буюртмаларини бажариш мажбуриятига бюртмачига, яъни давлат секторига қурилиш харажатларини мустақил қоплаш ва тайёр объектларни буюртмачига ижарага беришни ўз ичига олади.

PFI жараёнлари ривожланиши ва стандартлашишини марказлашган мувофиқлаштирилиши учун Буюк Британия молия вазирлиги ҳузурида мақсадли ишчи гуруҳ шакллантирилган. Оқибатда 2000 йилда PFI иштирокчиларининг маслаҳат кўмаги билан намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш ва баъзи лойиҳаларни қисман молиялаштиришни таъминловчи Partnerships UK (PUK) хизматини яратишга қарор қилинди.

Дастлабки жараёнда у молия вазирлиги таркибида ДХШ бўйича ишчи гуруҳ вазифасини бажарган, кейинчалик эса бу ташкилот қўшма давлат-хусусий тузулмага айлантирилган бўлиб, унинг 51,0 %и хусусий сектор субъектларига тегишлидир. 2011 йилда Partnerships UK тугатилди ва унинг ўрнига Буюк Британиянинг узоқ муддатли инфратузилма эҳтиёжлари бўйича ҳукуматга маслаҳат берувчи ҳамда муҳим лойиҳалар ва дастурларга эксперт кўмагини кўрсатувчи Ҳазначилик бўлими – Infrastructure UK (IUK) ташкил этилди. PFI дастури давлатга солиқ тўловчи маблағларидан фойдаланмасдан

янги объектларни қуриш имконини беради, бу молиявий нуқтаи назардан нафақат иқтисодий, балки ички сиёсий тавсифдаги муайян афзалликка эга.

Шунингдек, бунда пудратчи лойиҳалаш ва қурилиш ишларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар қолдиғини ушлаб қолиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Бинобарин, PFI лойиҳани реализация қилишда ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантиради. PFI лойиҳасини қоплашнинг минимал муддатига хусусий инвесторларнинг қизиқиши сабабли лойиҳани тезроқ реализация қилиш имконини беради. Ҳозирги вақтда «Хусусий молиявий ташаббус» халқаро ташкилотлар ЖСТ, ХВФ, Жаҳон банки томонидан қўлланилади ва кўпчилик ривожланган мамлакатларда (Австралия, Ирландия, Канада, Нидерландия, Норвегия, Португалия, АҚШ, Сингапур, Франция, Чехия, Япония) қўлланилади. International Financial Services London (2010 йилда City UK таркибига кирган агентлик) ҳисобкитобларига кўра, умумий қиймати 66,0 миллиард фунт стерлингдан ортиқ бўлган 930 га яқин ДХШ яратилган. Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, ДХШ шартномаларидан фойдаланган ҳолда 800 дан ортиқ мактаб, 70 касалхона, 45 та транспорт лойиҳаси қурилган [11]. Шунга қарамасдан, кейинги йилларда ДХШ ахборот технологиялари ҳамда ўй-жой фондини бошқариш соҳаларида етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Энди БМТнинг таснифига кўра, бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаларини қараб чиқамиз:

- иқтисодий юқори даражада ривожланган мамлакатлар (Австрия, Бельгия, Дания);
- янги индустриал мамлакатлар (Австралия, Исроил);
- капитализм ўрта даражада ривожланган мамлакатлар (Ирландия, Финляндия, Испания, Португалия, Греция);

– iqtisodiy rivojlaniшнинг тез суръатлари билан тавсифланувчи ва йирик саноат, молия, илмий-техник марказларга айланган мамлакатлар (Жанубий Корея, Сингапур).

5-жадвалда келтирилган мамлакатларда ДХШни фаолият соҳалари бўйича тақсимланиши келтирилган бўлиб, унда йўл хўжалиги устунликка эга. Мазкур мамлакатлар учун ДХШ лойиҳаларини қўллашнинг тўртта асосий йўналиши, яъни лойиҳалар сонини камайиб бориши бўйича: йўллар (90 та лойиҳа); соғлиқни сақлаш тизими (28 та лойиҳа); таълим тизими (17 та лойиҳа); енгил ерсиз метро (19 та лойиҳа).

1.8-жадвалда келтирилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, айтиш керакки, ушбу гуруҳ мамлакатларида ДХШ лойиҳалари ичида энг кўпи автойўллар (90 та), кейингиси соғлиқни сақлаш тизими (28 та) ва таълим тизими (17 та)га йўналтирилган. Хорижий тажрибалар бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларда ДХШ лойиҳалари кўпроқ ижтимоий соҳага, ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ реал иқтисодиёт секторларига йўналтирилмоқда.

5-жадвал

ДХШ лойиҳаларидан фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатларнинг асосий кўрсаткичлари²

| Давлатлар | Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш | | | | | | | | | | |
|------------|--|-----------------|--------|-----------------------|-------------|-------------|--------------|------|--------------------------|----------------|------|
| | Автойўллар | Соғлиқни сақлаш | Таълим | Кўприклар ва тунеллар | Аэропортлар | Енгил метро | Темир йўллар | УЖКХ | Чиқиндиларни қайта ишлаш | Ижтимоий уйлар | Жами |
| Австрия | 2 | 1 | 1 | 4 | | | | | | | 8 |
| Австралия | 2 | 6 | | 1 | 1 | 1 | 4 | 2 | | | 17 |
| Белгия | 1 | | | | 1 | | 3 | 2 | | 1 | 8 |
| Греция | 7 | 3 | | | | 2 | 1 | 1 | | | 14 |
| Ирландия | 10 | | 11 | | 1 | | | | 5 | 1 | 28 |
| Норвегия | 3 | 1 | | | | | | | | | 4 |
| Португалия | 17 | 4 | | | | 2 | | | | | 23 |
| Испания | 40 | 11 | 1 | 2 | 3 | 13 | 1 | | 2 | 1 | 74 |
| Исроил | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | 4 |
| ЖАР | 4 | 1 | 2 | 1 | | | 2 | | 1 | 1 | 12 |
| Голландия | 3 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 2 | | 2 | | 10 |
| Жами | 90 | 28 | 17 | 10 | 7 | 19 | 13 | 5 | 10 | 4 | 203 |

Шунинг учун, бу мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш учун транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича мувофиқ саъйи-ҳаракатлар зарур ҳисобланади. Таҳлилий маълумотларга кўра, автомобил йўллари, кўприклар ва тунеллар, аэропортлар ва

² Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

енгил метрополитен сингари инфратузилма лойиҳаларини реализация қилиш аҳамиятли фарқ билан етакчилик қилмоқда.

ДХШ концепцияси жамоат хизматини кўрсатиш, жамоат инфратузилмасини яратиш ёки модернизациялаш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш, шартнома муносабатлари ривожланишини назарда тутди.

Хақоро тажрибаларга асосланадиган бўлсак, кейинги ўн йилликда давлат мулкани бошқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш учун заҳираларни мобилизация қилиш ва ресурс базани кенгайтиришнинг асосий механизмларидан бири сифатида ДХШ ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик жаҳон хўжалигидаги янги ҳодисадир.

Жаҳон хўжалигида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларини кўлами ва шакллари кенгайишига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд:

1. ДХШ давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришни назарда тутувчи аралаш иқтисодиётнинг механизмларидан бири ҳисобланади.

2. ДХШ давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг мулки бўлган соҳалар ва тармоқларда такрор ишлаб жараёнларига хусусий сектор ресурсларини жалб чиқлишни назарда тутди.

3. Аниқ лойиҳалар доирасида давлат ва бизнес кучи ҳамда ресурсларини бирлаштириш уларнинг қўшимча рақобат устунлиги ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлик давлат институтлари билан таққослаганда рақобатбардошликни таъминлаш учун техник-технологик яхшиланишга интилиш, янгиликларни ўзлаштириш, қарор қабул қилиш тезлиги, юқори мобилликка эгадир. Давлат барқарор меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, фуқаролик жамияти муносабатлари бўйича ташкилий тадбирларни ўтказиш йўли билан ДХШ лойиҳаларини энг муваффақиятли реализация қилишни таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

1. Умуман олганда жаҳон амалиётида ДХШ икки хил тушунилади. Биринчидан, давлат ва бизнес муносабатлари тизимидан миллий, халқаро, ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш воситалари сифатида кенг фойдаланилади. Иккинчидан, давлат мулки объектларига давлат органлари ва хусусий компанияларнинг қўшма фаолияти асосида аниқ лойиҳалар реализация қилинади. Шунингдек, ДХШнинг асосий мақсади ижтимоий инфратузилма ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва жамиятда аҳоли турмуш даражасини мунтазам ўсиб боришни таъминлашдан иборат. Буни амалга ошириш, ўз навбатида давлат ва хусусий компанияларнинг иштирокисиз жуда мураккабдир. Хусусий компанияларнинг асосий натижасий кўрсаткичлари самарадорлик ва рентабелликдир.

2. Юқорида келтирилган фикрларга асослансак, ушбу ДХШ доирасида томонларнинг асосий вазифаларини қуйидагича ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

– ДХШ қатнашчиларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига хизмат қилувчи сифатили шерикликни амалга ошириш;

– давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ўсиши ва хизматлар сифатини ошиши;

– давлат корхоналари ва ташкилотлари фаолиятининг технологик жараёнларини такомиллаштириш ва инновацияларни жорий этиш;

– хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришнинг ташкилий тизимини оптималлаштириш. Умуман ДХШ лойиҳаларининг моҳияти қурилиш, қайта таъмирлаш, модернизациялаш, хусусий сектор томонидан инфратузилма объектлари эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда келишув асосида жамоат хизматларини тақдим қилиш бўйича давлат сектори функцияларини узатишдан иборат.

3. ДХШ самарали ва ижобий натижа бериши мумкин, қачонки қуйидаги тамойилларга амал қилинса:

– иқтисодий тенглик ва масъулият. Унинг моҳияти шундан иборатки, ДХШнинг барча иштирокчилари масалаларни ҳал қилиш ва мақсадларга эришишнинг оптимал вариантларини аниқлашда тенг ҳуқуқга эга бўлади. Ҳар бир иштирокчи ўз мажбуриятлари бўйича жамият олдида тўлиқ масъул бўлиши керак;

– лойиҳанинг барча иштирокчилари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

– селективлик. Барча ресурслар ва уларнинг манбалари давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасидаги шериклик асосида мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларида жамланиши лозим. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим мезони синергик самарага эришиш ҳисобланади;

– стратегик мақсадни аниқлаш иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини босқичма-босқич ҳамда изчиллик билан ривожлантиришга йўналтирилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.

2. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски/ В.Г. Варнавский. – М.: Наука, 2005. - 315 с.

3. Государство и бизнес: институциональные аспекты. - М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С. 40.

4. Гэлбрейт, Дж.К. Экономические теории и цели общества = Economics and the Public Purpose (1973) / Под общ. ред. и с предисл. Н. Н. Иноземцева, А. Г. Милейковского. – М.: Прогресс, 1976. – 408 с.

5. Джуманиязов У.И. «Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари» // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-б.

6. Кабашкин В.А. Формирование и развитие партнерских отношений государства и предпринимательских структур в Российской Федерации (управленческий аспект): автореф.. дис. докт. экон. наук: 08.00.05/ В.А. Кабашкин.- М., 2007. - С. 23

7. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – Москва: МИЭМП, 2010.

8. Кукура С П. Теория корпоративного управления/ С П.Кукура - М.: Экономика, 2004. - С. 105.

9. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы, политика. – М.: Республика, 1992. Т. II. – С. 398.
10. «Национальный Центр ГЧП», «Просто и честно об инвестициях в инфраструктуру и государственно-частном партнерстве в России» аналитической обзор, Москва, 2019, 96,101 ст.
11. О системе государственно-частного партнерства в Великобритании [Электронный ресурс] // Интернет-портал «Государственно-частное партнерство в России». 2009 году.
12. Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства/ О.А.Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.
13. Стырин Е.М. Международный опыт использования ГЧП для реализации проектов электронного правительства. – М.: «Издательский дом ВШЭ», 2010.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4329270>
15. Фролова Е.Д. Основные тенденции развития взаимоотношений государства и бизнеса/ Е.Д. Фролова // Вестник УГТУ-УПИ. - 2003. - № 7. - С. 31.
16. Ходжаев П.Д. Зарубежный опыт формирования и развития партнерских отношений между государством и реги-ональными предпринимательскими структурами/ П.Д. Ходжаев // Вестник Российско-таджикского (славянского) университета. - Душанбе: РТСУ, 2014. -№ 3 (46). - С. 102.
17. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер //Мир перемен. - 2004. - № 2. – С. 22.
18. Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт.– СПб.: Экономическая школа, 2004.
19. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019.
20. Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). – N.Y., 2000.
21. Daniel F.R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth the Center for Strategic and International Studies (CSIS). January 2017, p 4.
22. Dochia, Parker M. Introduction to Public-Private Partnerships with Availability Payments // Public Works Financing newsletter. Режим доступа: http://www.Pwfinance.net/document/research_reports/9%20intro%20availability.pdf (дата обращения: 12.02.2016).